

МАЪНАВИЯТ ВА СИЁСАТ – жамият ҳаётининг икки таркибий қисми бўлган маъ-ят ва сиёсатнинг ўзаро муносабатлари, боғлиқлиги, узвий алоқадорлиги, бир-бирига нисбатан аҳамиятини ифодаловчи т. Сиёсатнинг маъ-ят билан боғлиқлиги шунда намоён бўладики, юксак маъ-ят асосига қурилган сиёсат жамият рив-ши ва унда барқарорлик таъминланишига олиб келади. Бирон-бир мам-тда фақат муайян гуруҳ ва кучлар ҳукмронлигини таъминлашга, халқ оммаси манфаатларига зид ва шу асосда тор доирадаги манфаатларни ҳимоя қилувчи тузумни сақлаб қолишга қаратилган сиёсат - адолатсиз, маъ-ятдан холи бўлган бошқарув усули ва воситасидир. Бу сиёсатнинг жамият ва мам-т миқёсидаги ҳукмронлиги инсон ҳуқуқларининг поймол этилишига, моддий ва маънавий бойликларнинг талон-тарож қилинишига, зўравонлик, жоҳиллик, текинхўрлик, ўз мансабидан ғаразли ниятда фойдаланиш, порахўрлик каби маънавий қашшоқлашув шакллари вужудга келишига сабаб бўлади. Юксак маънавий қадриятлар асосига қурилган сиёсат эса, энг аввало, инсон зотини улуғлаш, унинг моддий ва маънавий манфаатларини ҳимоя қилиш, мам-тда тинчлик, барқарорликни таъминлашга қаратилгандир. Илм, маърифат, мад-т, техника, технологияни ривожлантириш, фуқароларнинг замонавий билим эгаллашларига кенг йўл очиш ва улар ҳақида ғамхўрлик қилишга қаратилган сиёсат юксак маънавий қадриятларга асосланган бошқарув ҳисобланади. Бундай сиёсатнинг маъ-ят билан боғлиқ жиҳати шундаки, у мавжуд муаммоларни ҳал қилишда ҳар қандай ғайриқонуний тўполон ва бебошликнинг олдини олишга, энг мураккаб мунозарали муаммоларни ҳам музокаралар, томонларнинг консенсуси орқали ҳал қилишга ёрдам беради. Сиёсатдаги маънавий қашшоқлик жоҳиллик, адолатсизлик ва зўравонликда ўз ифодасини топади, юксак маъ-ят эса тараққиёт ва барқарорликка эришишга ўзининг ижобий таъсирини ўтказди. Ҳар қандай сиёсатнинг мазмун-моҳиятида жамият, халқ ва инсоннинг мад-й, маънавий фаолияти, интилиши акс этсагина, у халқ томонидан қўллаб-қувватланади. Чунки унда умумхалқ эҳтиёж ва манфаатлари мужассамлашган бўлади. Давлатимизнинг бу борада амалга ошираётган оқилона сиёсати шундан далolat беради. Демак, қайси мам-тда маъ-ятни юксак даражага кўтариш, у ҳақида ғамхўрлик қилиш давлат сиёсати даражасига кўтарилган бўлса, ўша мам-тда тинчлик, барқарорлик вужудга келади, илм-фан, маърифат ва мад-т ривожланади. Бу ўз навбатида, мам-т олдида турган турли энг мураккаб муаммоларни маън-ймаър-й йўллар билан ҳал этиш имконини яратади. Мустақиллик йилларида мам-тимизда инсонга энг олий қадрият сифатида қараб, ички ва ташқи сиёсатда унинг тинч ва фаровон яшаш ҳуқуқини таъминлашга катта аҳамият бериб келинмоқда. Сиёсатнинг маънавий ҳаётга реал таъсири маърифатни, илм-фан, адабиёт ва санъатни ривожлантириш борасидаги амалий ишларда намоён бўлади. Ўз навбатида, фуқароларнинг юксак маъ-ятга ва маърифатга эга бўлиши мам-тнинг ҳар томонлама рив-шига ижобий таъсир кўрсатади. Тарихнинг бу ҳақиқати, яъни маъ-ят ва сиёсатнинг уйғунлиги, ўзаро алоқаси ва боғлиқлиги инсон, миллат, жамият ва давлат ривожига энг муҳим омиллардан бири

Экани жамиятимиз тараққиётининг бугунги босқичида ўз ифодасини
топмоқда.